

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ИЖТИМОЙ ПОТЕНЦИАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БУГУНГИ МУАММОЛАРИ

МОҲИРА ХОЛИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги
“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти
бўлим бошлиғи, фалсафа доктори, доцент

**Айрилмагин элингдан,
Қувват кетар белингдан.**
Халқ мақоли

**Она юртинг омон бўлса,
Ранги рўйинг сомон бўлмас.**
Халқ мақоли

**Давлатнинг қанчалик яхши ташкил этилгани
фуқароларнинг жамият муаммолари билан
шуғулланиши даражаси билан ўлчанади.**
Жан Жак Руссо

Локал парламентаризм, фуқаролик ҳамжамиятининг муҳим бўғини, ҳамда ижтимоий-тарихий формация сифатида маҳалла қадим замонлардан буён мамлакатимизда маърифат маскани, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимининг самарали шакли, одамларга энг яқин ижтимоий тузилма, фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти бўлиб келган. Кўп миллатли жамиятда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ва умуминсоний қадриятлар, маданиятлараро мулоқот, турмуш тарзи, тафаккур, маънавиятни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. **Маҳалла** - Шарқ тамаддуни, хусусан, Марказий Осиё халқлари турмуш тарзи, тафаккури ва қадриятларига хос бўлган жамият ҳаётини ташкил этадиган анъанавий ижтимоий институт. “Маҳалла” сўзи (محلة) араб тилидан таржима қилинганда “*турар жой*”, “*лагерь*”, “*қўналға*”, “*шаҳарнинг бир қисми*” деган маъноларни англатади.



Маҳалла локал парламентаризм, ўзини ўзи бошқаришни амалга оширувчи тузилма сифатида чуқур тарихий илдизларга эга. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки маъмурий-худудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган.

Улуғ мутафаккир **Носир Хисрав** ўзининг 1043-1052 йилларда Яқин Шарқ мамлакатларига қилган саёҳати давомида ёзган **“Сафарнома”** асарида *“Қоҳира шаҳри 10 та маҳалладан иборат”*, дея таъкидлайди.¹ Бухоро воҳасининг Наршах қишлоғида таваллуд топган тарихчи олим **Абу Бакр Наршахий** араб тилида ёзган ва

Сомонийлар давлати ҳукмдори Абу Муҳаммад ибн Исмоил Сомонийга бағишлаган **«Тарихи Бухоро»** номли нодир асарида бундан қарийб 1000 йил илгари маҳалла халқининг бошқарув услуби эканини кайд этган. Асарда Бухоро шаҳрининг қад кўтариши, Пойканд, Афшона, Варахша, Ромитон, Вардона каби қадимий қишлоқларнинг барпо бўлиши,



Марказий Осиёда ислом динининг тарқалиши, Сомонийлар давридаги давлат идораси, шаҳарнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётига доир муҳим тарихий маълумотлар келтирилган. Хусусан, Бухорода юксак тарзда ривожланган ҳунармандчилик ҳақида сўз юритилиб, ҳар бир қишлоқ ўз маҳсулоти билан шуҳрат топгани, масалан, Зандана қишлоғида тўқиладиган ипак матолар “занданий матолар” номи билан бутун Шарққа машҳур бўлгани, маҳсулотлар Форс, Ҳиндистон, Ироқ, Шом, Миср каби ўлкаларга олиб борилгани, ҳудудда савдо муносабатлари кенг ёйилганлиги сабабли Бухоро шаҳрига “Мадинатут-тузжор” (Савдогарлар шаҳри) деб ном берилгани таъкидланади [1].

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» (Яхши инсонларнинг ҳайрати) асарида қуйидаги байт мавжуд:

***Шаҳарлар отини маҳалот этиб,
Бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб.***

Ушбу сатрларда маҳалла «шаҳар ичидаги шаҳарча» дея эътироф этилади. Дарҳақиқат, ўрта асрларда Ҳири (Ҳирот) юзта кичик «шаҳарча» - маҳаллалардан ташкил топган.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-турк” (Турк тиллари девони) асарида савдо ва ҳунармандчилик кварталларини билдирувчи ибора сифатида “маҳалла” сўзи қўлланилган.

Қадимги даврларда одамлар касб-корига кўра шаҳарларга жойлашган, бу кўплаб маҳаллаларнинг номлари билан тасдиқланади. Масалан, Тошкент, Бухоро, Кеш, Самарқанд, Насаф шаҳарларида *кулоллар, темирчилар,*

¹ Носир Хисрав. Сафарнома. Т. Шарқ. 2003 й.

чилангарлар, савдогарлар, кўзагаронлар, тўқувчилар, заргарлар, қуролсозлар, совунчилар, пойабзалчилар, махсидўзлар маҳаллалари мавжуд бўлган. Шунингдек, маҳаллаларда этник хусусиятга кўра жойлашув ҳам кузатилади: *Турк маҳалла, Тоҷик маҳалла* ва б.

Ушбу муассасанинг асосий аҳамияти кўшни жамоалар доирасида аҳолининг уй-рўзғор ва касбий фаолиятини ижтимоий-худудий ташкил этилишида эди. Улуғ мутафаккир **Абу Наср Форобий** “**Фозил шаҳар аҳолиси ҳақидаги мулоҳазалар**” асарида одамлар сонининг кўпайиши сабабли инсон жамоаларига бўлган эҳтиёж ғоясини очиб беради: *“Ҳар бир инсон табиий равишда шу тарзда жойлаштирилган, яшаи ва ободонлаштиришга интилиш учун унга кўп нарсалар керак, аммо у ёлғиз ўзи уларни ўзлаштира олмайди, бунга эришиш учун инсоният ҳамжамиятига эҳтиёж пайдо бўлади. Жамият аъзоларининг биргаликдаги фаолияти уларга ўша нарсаларга эришиш ва ўзлаштириш имкониятини беради”*.²

Қомусий олим **Абу Али ибн Сино** “**Уй-рўзғор тўғрисида**” номли рисоласида *“Инсонлар бир-бирларининг эҳтиёжларини қондириш учун уларга умумий интилиш ва мақсадлар керак”*, дея таъкидлайди. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** “**Бобурнома**” асарида маъмурий-худудий бошқарувнинг энг қуйи қисмини англатувчи тушунча сифатида таърифида “маҳалла” атамасидан фойдаланади. Мовароуннахрнинг Самарқанд, Кеш (Шахрисабз) каби шаҳарлари тасвирлашда у шундай ёзади: *“Қалъа атрофи маҳаллалар томонидан тўлиқ қуришовга олинган”*, *“Ўш маҳаллалари орқали ўтиб, Андижонга кириб боради”*.

Маҳалла — халқимизнинг турмуш тарзи, рухий-маънавий эҳтиёжи, мафкураси, тафаккури, инсонларнинг ўзаро кўшничилик алоқалари, оилавий муносабатларни шакллантирувчи маънавий-маърифий маскан, *кенгаиш, маслаҳат, хашар* каби миллий удумлар, халқ сайиллари, байрамлар уюштириладиган, кўни-кўшничилик, куда-андачилик каби масалалар ҳал этиладиган серқирра ижтимоий тузилма ҳисобланади.



Халқимиз дунёқараши, феъл-атвори, миллий менталитети ҳақида гап кетганда, шахснинг ижтимоийлашувида жамоатчиликнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаш зарур. *“Шарқлик инсон ўз ҳаётини жамоатчиликнинг тажрибаси, ахлоқий меъёрлари ва моддий кўмагисиз тасаввур этмайди”* [6].

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2004. 56 б.

Демократик давлатда маҳалла инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамиятининг муҳим элементи сифатида катта аҳамиятга эга.

Инглиз сиёсатшуноси, педагоги, файласуфи **Жон Локк** инсон табиий эркинликларга эгалигини шундай асослайди: **“табиий, ақлий ва жисмоний қобилиятлари бир хил бўлганларнинг барчаси табиатан тенгдирлар ва улар тенг ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиши лозим”**.³ Ўзбекистонда маҳалла институти моҳияти ва аҳамиятини илмий тадқиқ қилган Ханянг университети (Жанубий Корея) қошидаги Осиё-Тинч океани тадқиқотлари институти профессори **Канг Бонг Ку** *“Маҳалла ишида энг муҳими бу давлат идоралари билан яқин ҳамкорлик ва шерикликдир. Маҳалла қонун ҳужжатлари юрисдикциясига кирмайдиган кўпгина масалаларни инсонпарварлик, қўшничилик тамойиллари асосида ҳал қилади. Анъанавий қадриятларни асраб-авайлаш ва авлоддан авлодга етказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маҳалланинг энг муҳим вазифаларидан биридир”*. Япон тадқиқотчиси **Сужинака Ютака** маҳалланинг демократик қадриятларга ҳамоаҳанглигини шундай эътироф этади: *“Биз Шарқ ва Ғарбнинг 13 мамлакатада фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини ўрганиб чиқдик. Тадқиқот натижалари ўзбек маҳалласи бошқа мамлакатларнинг ўзини ўзи бошқариш моделидан анча фарқ қиладиган ноёб миллий демократик институт эканлигини исботлади. Маҳалланинг қадр-қиммати шундаки, бу ерда халқнинг тарихий анъаналари сақланмоқда ва ривожланмоқда, унинг ишида барча фуқаролар, шу жумладан, ёшлар ва аёллар фаол қатнашмоқдалар. У жамиятни демократлаштиришда, тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди, ўз ҳудудини бошқариш, аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва одамлар ҳаёти билан боғлиқ кўплаб ижтимоий ва гуманитар муаммоларни ҳал қилиш учун катта салоҳиятга эга”*.⁴

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маҳаллаларни ривожлантириш борасида тарихий давр бошланиб, маҳалланинг нуфузини ва потенциалини кўтариш иқтисодий-ижтимоий, сиёсий вазифа ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таъсирчан механизми сифатида қаралиб, унинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда маҳалла институтини халқимизнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш борасида қатор амалий чоралар кўрилди. Хусусан, соҳага оид **43 та қонун ҳужжати**, шу жумладан 4 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та фармон ва қарори, Ҳукуматнинг 33 та қарори қабул қилинди, 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ–5938-сонли **“Жамиятда ижтимоий-маънавий**

³ Джон Локк. Два трактата о правлении // Локк Дж. Соч.: В 3 т. Т. 3. М., 1988. С. 188.

⁴ С.Ютака. Маҳалла – фуқаролик жамияти асоси. // Тошкент шаҳар ҳокимиятининг расмий веб-сайти // <http://tashkent.uz/uz/article/4804.html>.

муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони маҳалла институтининг ривожланишида муҳим қадам бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган 9 мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари (8 846 та маҳалла, 161 та овул, 95 та қишлоқ, 43 та шаҳарча фуқаролар йиғинлари) кенг диапазондаги фаолиятни олиб бормоқда:

- маҳаллий парламентаризм ва халқ ҳокимияти манбаи;
- фуқароларнинг давлат бошқарувида иштироки;
- давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;
- жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга кўмаклашиш;
- тинчлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, хашар, ўзаро ёрдам, муруват, ҳамжиҳатлик каби миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва кейинги авлодларга етказиш;
- оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш;
- ёш авлоднинг жисмоний-маънавий тарбияси;
- аёлларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- аҳолининг яшаш шароити ва ҳаёт сифатини яхшилаш;
- кам ҳимояланган ижтимоий қатламларга ёрдам кўрсатиш;
- ҳудудий тарихий, маданий, географик ўзига хосликни акс эттириш;
- маҳалланинг ободлиги ва хавфсизлигини таъминлаш;
- маҳаллий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш;
- кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш;
- фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;
- маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш.

Соҳани спектрал ривожлантириш бўйича бир қатор муҳим тамойиллар ва дастурлар амалга оширилмоқда:

- “**маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла**” тамойили;
- “**маҳалла раиси - бош ислоҳотчи**” тамойили;
- “**маҳаллабай**” иш тизими;
- “**Темир дафтар**”, “**Аёллар дафтари**”, “**Ёшлар дафтари**”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, хотин-қизларга, ёшларга ёрдам;
- “**Обод маҳалла**”, “**Обод қишлоқ**” - маҳаллалар ва қишлоқлар инфратузилмасини янада яхшилаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича дастурлар;
- хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан оғир турмушда яшаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ёрдам;

- гендер тенглиги, хотин-қизларнинг таълим олишлари, уларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя;
- оилавий қадриятларни асраш, оилавий низо ва ажримларнинг олдини олиш;
- **ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари;**
- **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳаси ва б.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларида ҳам маҳалла институтининг ижтимоий потенциални ривожлантириш белгиланган:

- эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон қадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотларни янги поғонага кўтариш;
- миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган **“Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат”** ғоясини амалга ошириш;
- маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтириш;
- давлат функцияларининг катта қисмини марказдан ҳудудларга ўтказиш;
- жамият бошқарувининг таянч бўғини бўлган ислохотлар самараси бевосита акс этадиган маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозимини жорий этиш;
- маҳаллаларда ёшлар масалалари билан мунтазам шуғулланадиган Ёшлар ишлари агентлигининг вакиллари бириктириш;
- маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш мақсадида **маҳалланинг алоҳида жамғармасини шакллантириш.**

Соҳага оид тадқиқотлар маҳалла институтининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш учун унинг қуйидаги спектрал потециалини рўёбга чиқариш зарурлигини кўрсатади:

- **демократик** (инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, ижтимоий адолатни ўрнатиш);
- **ментал** (миллий феъл-атвор, тафаккурни шакллантириш);
- **фамилятив** (оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш);
- **тарбиявий** (ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, фарзандлар тарбияси);
- **кумуляцион** (миллий-тарихий меросни тўплаш, сақлаш);
- **трансляцион** (миллий қадриятларни кейинги авлодларга етказиш);
- **ахлоқий** (микросоциумда шахслараро муносабатлар этикаси, ижтимоий масъулият);

- **коллаборацион** (ҳаётий долзарб муаммоларни ҳал қилишда жамоатчилик фикрига таяниш, ижтимоий ҳамкорлик);
- **маданий-рекреацион** (унумли ҳордиқ, релакс, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш);
- **субсидиар** (маҳаллий муаммоларни ҳал этиш салоҳияти);
- **ҳуқуқий** (ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш);
- **сервис** (хизмат кўрсатиш);
- **медиатив** (низолар превенцияси, яраштирув институтини қўллаш).

Хусусан, маҳалла институтининг **ижтимоий потенциали** алоҳида эътибор касб этади. Унинг моҳияти маҳалланинг локал ижтимоий муаммоларни ҳал этишда мустақиллик, ҳуқуқий ва молиявий субсидиарлик, аҳолига кенг турдаги ижтимоий хизмат кўрсатиш, ижтимоий сервисни ривожлантиришдан иборат.

Шу ўринда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларнинг мазмун жиҳатидан таҳлили фуқароларнинг ижтимоий муаммоларининг спектрал характери билан тавсифланади: **2021 йил январь — сентябрь ойлари** давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами **60 313** та мурожаат келиб тушган.

- *моддий ёрдам ва ижтимоий нафақа тўлов масалалари (13 489 та);*
- *оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни тартибга солиш масалалари (12 751 та);*
- *турли ижтимоий дастур (“Аёллар дафтари”, “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”) ижросига оид (8 521 та);*
- *хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш масалалари (2 507 та);*
- *хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш масалалари (1 703 та);*
- *уй-жойини таъмирлаш ёки соғлигини тиклаш мақсадида моддий ёрдам ажратиш масалалари (1 167 та) ва б.*⁵

Жорий йилда 7 794 та қишлоқ ва маҳаллада 20,8 трлн сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши белгиланган. Уларнинг 397 таси “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритилган. Бунда энг аҳоли яшаш пунктлари; кўп қаватли бино ва ҳовлилар атрофи; ариқ ва зовурлар; гузар, хиёбон, зиёратгоҳ ва қабристонлар; болалар ва спорт майдончалари тартибга келтирилмоқда.⁶ “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари асосида 809 та умумтаълим мактаби, 369 та мактабгача таълим ташкилоти; 249 та соғлиқни сақлаш муассасалари; 7 та спорт иншоотларини қуриш ва таъмирлаш; 322 км.лик ички йўллар таъмирлаш; 2 та маданият марказларини қуриш ишлари амалга оширилди.⁷

⁵ <https://moqqv.uz/uz/news/maalla-va-oilani-llab-uvvatlash-vazirligi-tizimida-zhismonij-va-juridik-shahslarning-murozhaatlari-ktarilaetgan-muammolar-va-ularni-rganish-natizhalari-aida-malumot>

⁶ <https://t.me/mahallavaoilainfo/10351>

⁷ <https://t.me/mahallavaoilainfo/10352>

Шу билан бирга, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳолати бугунги кунда ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар билан тавсифланади:

- ҳудудларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмнинг ишлаб чиқилмагани, молиявий ресурсларга, бошқа ресурс имкониятларига эгалик қилиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқларининг чекланганлиги;
- мавжуд маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда ваколатларнинг йўқлиги;
- соҳага оид қонунчиликнинг мураккаблиги, тизимга юклатилган бюрократик нагрузканинг ортиқча ҳажми;
- маҳаллаларнинг субсидиар салоҳиятидан етарли даражада фойдаланмаслиги;
- маҳаллаларга юклатилган вазифаларни сифатли бажариш учун берилган ваколатларнинг молиявий таъминоти етарли эмаслиги;
- маҳаллаларда ва оилаларда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлаш етарли йўлга қўйилмаганлиги;
- соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш талаб даражасида эмаслиги;
- маҳалла тизими раҳбар ва ходимларининг ўзини ўзи бошқариш тизимини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича билим, кўникма ва компетенцияларининг етишмаслиги;
- фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш, ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашишда ташаббускорлик етишмаслиги;
- оилавий низолар, никоҳдан ажрашаётган фуқароларга ярашиш учун берилган муддатлар мобайнида улар билан манзилли ишлаш тизими амал қилмаётганлиги, бунда мутахассислар, оила психологи, медиаторларни жалб қилган ҳолда низолар превенцияси ва яраштириш чораларини кўриш амалиёти шаклланмаганлиги;
- маҳаллада ва оилаларда маънавий-ахлоқий компонентни кучайтириш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат, ёт ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар даражаси бугунги кун талабларидан ортда қолаётганлиги;
- маҳаллаларнинг бош режалари ва лойиҳаларининг мавжуд эмаслиги ҳамда маҳаллий ҳокимликлар, ҳудудий архитектура идоралари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари шаҳарсозлик норма ва қоидаларига амал қилинмаётганлиги оқибатида жойларда ўзбошимчалик билан бетартиб қуриш ишларига барҳам берилмаётганлиги;

- ҳудуддаги мавжуд маҳаллий аҳамиятга молик долзарб муаммоларни ҳал этишда аҳоли саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ижтимоий ҳамкорлик ишини самарали ташкил этиш тизимли равишда йўлга қўйилмаганлиги;
- маҳаллани экологик барқарор ҳудудга айлантириш муаммолари ҳал этилмагани.

Муаллиф томонидан соҳани ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Қорқалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022–2025 йилларга мўлжалланган ҳар бир маҳаллани ривожлантириш бўйича ҳудудий манзилли дастурларни** ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
2. Маҳаллаларнинг **бош режалари** ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий ҳокимликлар, ҳудудий архитектура идоралари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари шаҳарсозлик норма ва қоидаларига амал қилиш, бетартиб қурилишларга барҳам бериш.
3. Маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудни ободонлаштириш, қўкаламзорлаштириш ва санитария ҳолатини тубдан яхшилаш.
4. Ҳар бир маҳаллада ўз ичига гузар, қулай ва арзон дорихоналар, зарур маиший хизмат ва сервис шохобчалари, болалар майдончаси ҳамда кичик истироҳат боғини қамраб оладиган **“Маҳалла экосфераси”** марказини барпо этиш.
5. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг компетентли кадрлар билан таъминланиш ҳолатини мониторинг қилиш.
6. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбар ва ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш мақсадида Маҳалла тизими раҳбар ва ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти - **Маҳалла академиясини** ташкил қилиш.
7. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг касбий маҳоратини оширишга қаратилган **ўқув семинарлар, тренинглар, конференциялар** ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиб бориш. Касбий тайёрлашни тизимли равишда ҳамда замонавий таълим технологиялари ва ўқитишнинг замонавий услубларидан кенг фойдаланган ҳолда ташкил этиш, республикамиздаги етакчи олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари олимларини, давлат органларининг малакали амалиётчи мутахассисларини, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ходимларини шартнома асосида жалб этиш.

8. Фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг, сув таъминоти манбаларининг, турар жойларнинг, таълим муассасаларининг санитария ва экологик ҳолати, ёнғин хавфсизлиги талабларига, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари, фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.
9. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, энг аввало, “Соғлом оила – соғлом жамият” концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш учун мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш; маҳаллада **ижтимоий хизмат ходими (соцработник), оила психологи, оила медиатори** хизматини йўлга қўйиш
10. Маҳалла тизимида **субсидиарликни** йўлга қўйиш. Субсидиарлик – (лотинча *subsidiarius* – қўшимча ваколат) ижтимоий бошқарув тамойили. Субсидиарликнинг моҳияти шундан иборатки, қарор қабул қилиш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш функцияси, агар иложи бўлса, ушбу қарорлар таъсир қиладиган даражага энг яқин тузилмага берилиши керак. Агар маҳаллий жамоалар ўз муаммоларини компетент тарзда ҳал қила олсалар, юқори ҳокимият органлари ушбу қарорларни қабул қилишни ўз зиммасига олишга ҳақли эмас. Қарорларни қабул қилиш ваколатли органи билан қарорнинг таъсир доираси ўртасидаги маъмурий масофа қанчалик қисқа бўлса, шунча мақсадга мувофиқ деб топилган. Субсидиаризмнинг асосий мезонлари:
 - ҳокимиятнинг фуқароларга яқинлиги;
 - сиёсий қарорларнинг аҳолига имкон қадар яқин даражада қабул қилиниши;
 - белгиланган мақсадларга қуйи даражаларда (шу жумладан, фуқароларнинг имкониятлари доирасида) эришиш қобилияти.